

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2022 йил
17 ноябрь
№ 46 (883)



2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

“Тўмарис ИЗДОШЛАРИ–2022”

**ФВВ ЖАМОАСИ –
“ЭНГ ФАОЛ ВАЗИРЛИК”
НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБИ**



**«TOMARIS IZDOSHLARI-2022»
RESPUBLIKA TANLOVIGA XUSH KELIBSIZ!**



Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан Жиззах вилоятининг Фориш полигонидан Ўзбекистон Республикаси Куч тузилмаларида фаолият юритаётган харбий хотин-қизлар ўртасида “Ватан меҳри юрагимда” шиори остида “Тўмарис издошлари–2022” танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

(Давоми 5-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан “Ашхобод” боғида ўтказилган “Янги нафас” югуриш спорт тадбирларида ФВВ Академияси харбий хизматчилари ва курсантлари ҳам фаол иштирок этдилар.

ХАЛОСКОРЛАР “ЯНГИ НАФАС” СПОРТ ТАДБИРЛАРИДА



ИНСТИТУТДА УЧРАШУВ

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан ФВВ Академияси, академия ҳузуридаги Фукаро муҳофазаси институти шахсий таркиби иштирокида профилактик тадбир ўтказилди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий прокуратураси ходими Нодир Ибрагимов, Республика Ҳарбий суди судяси Умиджон Шокиров ва Тошкент ҳарбий суди девонхона бошлиғи Ўткир Баратовлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" ва "Транспорт ҳаракати

ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар" учун қонунчиликда белгиланган жавобгарлик ҳақида маълумотлар ҳамда иштирокчиларнинг савол-ларига жавоб берилди.

Тадбир якунида мавзу юзасидан видеоролик намойиш этилди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг
ёрдамчиси, адлия подполковниги.



ТИББИЙ КЎРИК

Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан фуқаролар билан беvosита мулоқот ва сайёр қабул ўтказиш режасига асосан Сурхондарё вилояти ФВВ ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.



Ушбу тадбирда Термиз ҳарбий прокурори, Сурхондарё вилояти ФВВ бошлиғи, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Давлат хизматлари маркази, вилоят Аёлларни реабилитация қилиш маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Сайёр қабул давомида турли мазмундаги жами 45 дан ортик мурожаат тингланган бўлса, шундан 31 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. 14 та

мурожаат назоратга олинган ҳолда мутасадди идораларга кўриб чиқиш учун йўналтирилди. Тадбирда 100 нафардан ортик ҳарбий хизматчининг оила аъзолари қатнашдилар.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти Соғлом авлод учун Халқаро хайрия фонди тиббиёт гуруҳи жамоаси томонидан замонавий тиббий ташхис аппаратларидан фойдаланган ҳолда, сайёр тиббий кўрик ташкил этилди. Тиббий кўриқдан ўтган ҳарбий хизматчилар оила аъзолари иштирокида мутахассислар томонидан соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаолликни ошириш ва тиббий саводхонлик бўйича суҳбатлар ўтказилди.

Дилмурод ҲАМРОЕВ,
Термиз ҳарбий прокурори,
адлия подполковниги.

МУЛОҚОТ

Наманган ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Тоифаланган объектларни кўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли, Поп туманида жойлашган ҳарбий қисм қўмондонлиги билан ҳамкорликда сайёр қабул ташкил этилди.



Тадбирда бандликка кўмаклашиш маркази, солиқ, банк, халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, туман электр тармоқлари, туман газдан фойдаланиш бўлими, Наманган уй-жойдан фойдаланиш қисми ва бошқа мутасад-

ди ташкилотлар вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг муаммоли масалалар юзасидан саволларига жавоб бердилар.

Қабул давомида 120 нафар қатнашчидан жами 22 га яқин мурожаат қабул қилинган бўлса, уларнинг 14 тасига қонуний тушунтиришлар берилиб, 2 та мурожаат жойида қаноатлантирилди. 6 та мурожаат белгиланган тартибда тегишли мутахассисларга йўналтирилди ва уларнинг кўриб чиқилиши ҳарбий прокуратура томонидан алоҳида назоратга олинди.

Давлатёр РАҲМОНОВ,
Наманган ҳарбий прокурори,
адлия подполковниги.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий химоялаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан Нукус туманида жойлашган ҳарбий шаҳарчада Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикасидаги тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказилди.

НУКУСДА САЙЁР ҚАБУЛ

Унда ҳарбий шаҳарчада истикомат қилиб келаётган 100 нафардан ортик ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Қабулда 29 та мурожаат қабул қилиниб, шундан 5 таси жойида халқ қилинган бўлса, 10 таси назоратга олинган ҳолда тегишли ташкилотларга йўналтирилди ҳамда 14 нафар мурожаатчига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбир доирасида "Меҳнат ярмаркаси" ҳам ўтказилиб, иш билан таъминланмаган ва ишлаш истаги мавжуд ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ишга жойлаштириш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, Нукус ҳарбий госпитали ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли мутахассислари иштирокида ҳарбий шаҳарчада истикомат қилиб к-



лаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилиб, уларга малярия шифокорлар томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Шухрат ЗОИРОВ,
Нукус ҳарбий прокурори, адлия
полковниги.

“ЯШИЛ МАКОН” ТАДБИРИ

“Яшил макон”
умуммиллий лойиҳаси доирасида
Урганч шаҳрида
тадбир ўтказилди.



Унда Хоразм вилояти ФВВ, Урганч ҳарбий прокуратураси ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир давомида шаҳар марказидаги ҳудудга 200 дан ортик манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Ушбу хайрли тадбир вилоятнинг

бошқа туман ва шаҳарлари ҳудудларида ҳам уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Умидбек НИЗОМОВ,
Урганч ҳарбий прокурори, адлия
майори.

Жиноят ва жазо

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

Ўша куни Х.Б. оdatига кўра, офисига “Gentra” русумли автомашинасини миниб келади. Нима бўлди-ю машинасини қулфлаш ёдидан кўтарилди. У кеч соат 23.00 ларда офис деразасидан автомашинасига қараганида, хайдовчи ўриндигида кўк футболкадаги нотаниш фуқаро машинасини хайдаб кетаётганлигини кўриб қолади. Х.Б. дарҳол “102”га телефон қилиб, машинаси ўғирлаб кетилганлиги ҳақида хабар беради.

– Шу йил 28 июнь куни маст эдим, – деди судланувчи Н.С. судда. – Тахминан 23.00 ларда Яққасарой тумани Бобур кўчасида пнеда кетаётганимда йўл четидида турган қора рангли “Gentra”га кўзим тушди. Танишимнинг машинасига ўхшатдим. Қарасам, эшик очик. Шартта ўтириб, уйимга хайдаб кетдим. Уйимга

келгач, машинадан тушиб номерига қарасам бошқа экан. Шундан сўнг танишимга кўнғироқ қилиб, “Сенинг машинанг деб бошқа бировнинг “Gentra”сини миниб келибман”, – дедим. Танишим келгач, техпаспортда кўрсатилган манзилга бордик. Эшикни ҳеч ким очмади. Кейин билсак, машина эгаси ички ишларга хабар берган экан. Ичкилик туфайли шундай бўлди. Айбимга иқрорман, кечиринглар.

Судда жабрланувчи судланувчига нисбатан ҳеч қандай даввоси йўқлигини билдириб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради. Суднинг ҳукми билан Н.С.га икки йил синов муддати белгиланди.

Темур КАСИМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яққасарой туман судининг судяси.

МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

Ахмад Фарғоний номидаги Фарғона вилояти "Ахборот-кутубхона" марказида вилоят ФВБ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳарбий хизматчиларини жалб этган ҳолда элимизнинг ардоқли санъаткорлари Ёркиной Ҳатамова ва Султонали Манноповлар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирни Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Иброҳим Ҳалимбеков очди.

Ижодий учрашувда устоз санъаткорлар ўз босиб ўтган ижод йўллари, тажрибалари, кизиқарли воқеа ва ҳодисалар билан ўртоқлашдилар.

У. ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилояти ФВБ
бошлиғи ўринбосари, подполковник.
Н. ИСМОИЛОВ,
бўлим катта офицери, катта лейтенант.



СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида ФВБ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтини томонидан ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмаларни аҳолига етказиш бўйича илмий-амалий семинар-тренинг бўлиб ўтди.



Унга Тошкент шаҳар ФВДТга кирувчи вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқарма ва бўлимлар раҳбарлари, масъул мутахассислари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган шахслар жалб этилди.

Тренинг режасига кўра, ФМИ, Фанлар Академияси Сейсмология институти, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика кўзи ожизлар жамияти

ва ҳудудий ФВБлар Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказлари мутахассислари томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳоли, шунингдек, имконияти чекланган шахсларни зилзилада ҳаракатланишга тайёрлаш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, "маҳаллабай" тизимда аҳолини зилзилада ҳаракатланишга тайёрлаш ҳамда Ўзбекистонда қучли зилзилалар хавфини прогнозлашнинг ҳозирги ҳолати бўйича маърузалар тингланди.

Тадбир якунида ФМИ томонидан ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмалар иштирокчиларга тарқатилди.

К.ЖУМАҚУЛОВА,
ФВБ Академияси ҳузуридаги
ФМИ ўқитувчиси.

UNIVERSITETDA TADBIR

Хоразм вилояти FVB xodimlari ishtirokida Urganch davlat universitetida qish mavsumida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbir tashkil etildi.



Unda Xalq deputatlari viloyat kengashi deputati, "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi viloyat kengashi raisi, shuningdek, Urganch davlat universiteti Yoshlar bilan ishlash, ma'naviyat va ma'rifot bo'limi, yoshlar bilan ishlash bo'yicha barcha fakultetlarning dekan muovnlari hamda universitet tyutorlari ishtirok etdilar.

Seminarda boshqarma xodimlari so'zga chiqib, mavsumda uchrashi mumkin bo'lgan noxush vaziyatlarning oldini olish, xonadonlardagi isitish tizimlarini doimiy nazorat qilish borasida

atroflicha to'xtalib o'tdilar. Shuningdek, tadbirda is gazidan zaharlanish holatlari keltirib o'tilib, mavzuga oid videolavhalar namoyish etildi.

O'z navbatida, mas'ul xodimlar, ishchi-xizmatchi va talabalarga birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish qoidalari va uni qanday holatlarda qo'llash kerakligi, yong'in sodir bo'lgan paytda qanday harakat qilish zarurligi aytib o'tildi.

Hojiakbar RUSTAMOV,
Xorazm viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, oddiy askar.



ФВБ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтда "Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси Умиджон Шокиров ва Тошкент Ҳарбий прокуратураси ходими адлия подполковниги Нодир Ибрагимов, шунингдек, институт ҳарбий хизматчи ва хизматчилари иштирок этдилар.

Давра суҳбати давомида ҳарбий хизматчилар ва хизматчилар орасида

ДАВРА СУҲБАТИ

учраётган ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилиши ҳолатлари, бундай вазиятларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида малумотлар берилиб, ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбир якунида иштирокчилар мутахассислардан ўзларини кизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олишди.

К.ЖУМАҚУЛОВА,
ФВБ Академияси ҳузуридаги
ФМИ ўқитувчиси.

Халқимизда "Битта дарахт кессанг, ўрнига 10 та кўчат эк" деган ажойиб нақл бор.

Дарҳақиқат, кўплаб дарахтларнинг кесилиши табиатга, ўсимлик олами-ю хайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Шунинг учун ҳар биримиз "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида фаол қатнашиб, кўчатлар экишимиз, бу каби хайрли лойиҳаларда фаол бўлишимиз даркор.

ФАОЛ БЎЛАЙЛИК!



Ана шундай эзгу ҳаракатлар "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўли бўйидаги 50 сотихли ер майдонида ҳам олиб борилди. У ерда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Боғлар "Бешқўл", "Қамчик", "Резак" ҳамда "Чодак" навбатчилик масканларида боғлар барпо этиш ишларида "Қамчик" махсус кидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси қутқарувчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Ш.АБДУСАТТОРОВА,
"Қамчик" МКЎҚБ
етақчи мутахассиси.

"Yashil makon" umummilliy loyihasining "Dolzarb 40 kunlik" tadbirlarida Xorazm viloyati FVB xodimlari ham faol ishtirok etmoqdalar.

КО'CHAT EK, BOG' YARAT!

Xususan, boshqarma rahbariyati boshchiligida Yangiariq tumani hududida tashkil qilingan navbatdagi ko'chat ekish tadbirlarida har bir xodimga mazkur loyihada faol qatnashish hamda har bir ko'chatni ekishda alohida mas'uliyat bilan yondashish kerakligi ta'kidlandi. Harbiy xizmatchilar tomonidan shu kunning o'zida 800 tupdan ziyod mevali va manzali daraxtlar ekildi.

Tahlillar agrotexnik qoidalarga rioya etgan holda, sug'orish tizimi bilan ekilgan daraxt ko'chatlarining ko'karuvchanlik darajasi yuqori bo'lganini ko'rsatgan. Shularni inobatga olgan holda har bir ekilgan ko'chatni ekilgandan keyin alohida par-



varish qilish borasida mas'ullarga tegishli ko'rsatmalar berildi.

Ko'chat ekish tadbirlari viloyat bo'ylab davom ettirilmoqda.

Davronbek JUMANIYOZOV,
Xorazm viloyati Yangiariq tumani
FV bo'limi boshlig'i, mayor.

SANAGA BAG'ISHLANDI

FVV Seysmoprognozistik monitoring Respublika markazida 11-noyabr "O'zbekiston kasaba uyushmalari" kuniga bag'islangan tadbir bo'lib o'tdi.



Tadbirni markaz boshlig'i K.Kuchkarov kirish so'zi bilan ochib, barchani bayram bilan samimiy muborakbod etdi. Shuningdek, yurtimizda olib borilayotgan xalqchil islohotlar, inson manfaatlarini ta'minlash yo'lidagi sa'y-harakatlar va tashabbuslarni hayotga tatbiq etishda O'zbekiston kasaba uyushmalari faollari tomonidan ko'plab samarali ishlar amalga oshirilayotganini ta'kidlab o'tdi.

Shuningdek, tadbirda O'zbekiston Davlat muassasalari va jamoat xizmati xodimlari Kasaba uyushmasining Toshkent shahar kengashi vakili B.Djalolov ishtirok etdi. Yig'ilganlarga yaxshi tilaklar bildirib, bu bayram Vatan taraqqiyoti hamda xalqimizni baxtli qilish yo'lidagi ezgu g'oyalarni hayotga tatbiq etishda ulkan ishtiyok va ko'tarinki kayfiyat bag'ishlashini mamnuniyat bilan e'tirof etdi.

Shundan so'ng Markaz xodimlari shaxmat turi bo'yicha o'zaro kuch sinashdilar.

Musobaqada xodimlar – U.Ganiyev, M.Xaydarov, A.Xamroyev, F.Zoirov, F.Muratov, M.Mirzoidov, U.Jabbarov, M.Mo'minova, Sh.Gulyamovlar faol ishtirok etdi.

Natijalar quyidagicha qayd etildi:

- 1-o'rin – Farrux Muratov;
- 2-o'rin – Mirzod Xaydarov;
- 3-o'rin – Ubaydulla Ganiyev.

Tadbir yakunida, 2022-yil mobaynida o'z vazifasini vijdonan bajarib, Kasaba uyushmalar nufuzini oshirishga salmoqli hissa qo'shib kelayotgan birlashgan kasaba uyushmasi qo'mitasi faollari hamda musobaqa g'oliblari "Tashakkurnoma" va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandilar.

Faxriddin RAHIMOV.

АМАЛИЙ САБОҚ

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида "Озиқ-овқат маҳсулотларидан оммавий захарланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишда ФВДТ тегишли хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Ўқув машқининг назарий қисмида вилоят ФВБ бошлигининг профилактика бўйича ўринбосари подполковник Ж.Мадаминов. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали директори С.Бойигитов, вилоят СЭО ва ЖСБ овқатланиш-гигиенаси бўлими мудири Б.Турғунов, Олтиариқ тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг санитария бўлими мудири Ж.Мусахоновларнинг кун тартибига оид маърузалари ўқиб эшиттирилди.

Амалий қисм Олтиариқ тумани юқумли касалликлар шифохонаси ва 99-оилавий поликлиникада ўтказилди. Ушбу тиббиёт муассасаларида мутахассислар томонидан иштирокчиларга ботулизм касаллиги билан касалланган беморга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича амалий кўрсатмалар берилди.

Э.ШОДМОНОВ,
Фарғона вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, капитан.

Toshkent viloyati FVB Bekobod shahar FV bo'limi tomonidan "Yong'in xavfsizligi oyiligi" doirasi-da dehqon bozorida maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

BOZORDA O'QUV MASHQI

Unda favqulodda vaziyatlar va yong'inlar vaqtida bozor ishchi-xodimlari hamda shahar FVDT xizmarlarining hamkorlikdagi harakatlari sinovdan o'tkazildi.

Tadbir davomida ishtirokchilarga favqulodda vaziyatlarda harakat qilish va yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya qilish bo'yicha eslatma va bukletlar tarqatildi.

O.ZIYODULLAYEV,
Toshkent viloyati FVB boshlig'i
o'rinbosari, podpolkovnik.



МАРКАЗДА МАШҒУЛОТ

Ўзбекистон Республикаси ФВБ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида ўқув йнғинига жалб этилган кутқарувчи-ҳайдовчилар таркиби билан Самарқанд вилояти Жомбой шаҳридаги "UzAuto Trailer" корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий ёнғин-қутқарув автомобиллари бўйича ўқув семинар машғулотини ташкил этилди.



Tadbirda ёш харбий хизматчиларга юргимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ёнғин-қутқарув автомобиллари бўйича маълумотлар етказилиб, улардаги мавжуд авария-қутқарув асбоб-анжомлари бўйича кенг қамровли тушунчалар берилди.

Машғулот давомида тингловчилар махсус асбоб-анжом ва воситаларни амалда ишлатиб, ўз малака ва маҳоратларини яна бир қарра мустахкамладилар.

Р.МАҲАМОВ,
ФВБ Академияси ҳузуридаги
БТваМОН цикл қатта
ўқитувчиси,
подполковник.
Жасур ХОЛМУРОДОВ,
цикл ўқитувчиси,
майор.

"ТЕМИРЎЛОБОД"ДА СИНОВ

Наманган вилояти ФВБ ва "Қамчиқ" махсус қидурув, ёнғин-қутқарув бошқармаси, "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўли "Қамчиқ" темир йўл масофаси "Темирўлобод" станцияси ҳудудида "Кучли таъсир этувчи захарли модда (хлор) атроф-муҳитга тарқалиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда объект раҳбарияти, фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби ҳамда Фавқулодда вазиятларда давлат қўйи тизимлари хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқи 3 босқичда ўтказилди.

Tadbir davomida ўқув машқи иштирокчилари ва махсус техникалар саф қўриғи ўтказилиб, унда ўқув машқининг гоёси ва мақсади иштирокчиларга етказилди. Амалий тадбирлар давомида алоқа ва хабар бериш тартиби, захарли моддадан жабрланганларни хавфсиз ҳудудга чиқариш,



уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитга хлор тарқалишининг олдини олиш ҳамда ишчи-ходимларни эвакуация қилиш тадбирлари амалий тарзда бажарилди.

Анваржон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти ФВБ
бўлим бошлиғи,
подполковник.

«101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Зомин тумани ҳудудида ўтган 2022 йил 10 ойи давомида 29 та ёнғин содир бўлиб, улардан келтирилган моддий зарар 408.978.725 сўмни ташкил қилади. Ёнғинлар натижасида 3 нафар инсоннинг турли тан жароҳатлари олиши ҳолатлари кузатилди.

Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамай, туманимиз ҳудудидаги аҳоли турар жойларида оддий эътиборсизлик ҳолатлари оқибатида ёнғинлар юзага келмоқда. Ушбу ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда ва шу кунгача бу кўрсаткич 10 тани ташкил қилади.

Ёнғинларнинг асосий қисми электр симларининг қисқа туташуви натижасида келиб чиқиб, аксарият қисми аҳоли турар жойларида фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига эътиборсизлик билан қарашлари, газ билан иситиладиган печлар ҳамда ностандарт печларни қоида талабларини бузган ҳолда ўрнагиб, улардан фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда.

Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган осонроқдир. Тилсиз ёвнинг инсонларга моддий талафот етказиб, уларнинг умрига завоқ бўлишига йўл қўймастик барчамизнинг бурчимиздир.

Маъруф ҚУРБОНОВ,
Зомин тумани ФВ бўлими бошлиғи
ўринбосари, капитан.

“Тўмарис издошлари-2022”

ФВВ ЖАМОАСИ – “ЭНГ ФАОЛ ВАЗИРЛИК” НОМИНАЦИЯСИ ГОЛИБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси тизимида фаолият олиб бораётган ҳарбий хотин-қизлар жамоалари иштирок этди.

Танловда иштирокчилар Тўмарис сиймосини гавдалантирган ҳолда ўзларини таништириш, ўқ отиш амалий машки, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиш, 800x400x200x100 метр масофаларга эстафета югуриш, эркин услубда 50 метр масофага сузиш, дала шароитида мазали таом тайёрлаш каби жами 6 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жами 10 нафар ҳарбий хотин-қизлари ҳам ушбу беллашувларда сидкидилдан иштирок этиб, ўзларининг нақадар лобар, шахдам, жасоратли ва матонатли ҳарбий хизматчи аёл эканликларини яққол намоён этдилар.

Жумладан, “Қамчик” МҚЁҚБ ходими оддий аскар Мохичехра Мингбосванинг Тўмарис сиймосини мохирона гавдалантириши, Жиззах вилояти ФВВ ходими оддий аскар Мафтуна Мелиеванинг югуриш ва ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқишдаги шижоатли ва эпчил ҳаракатлари барчани хайратда қолдирган

бўлса, Тошкент вилояти ФВВ ходимлари оддий аскарлар Озода Аҳмедова ҳамда Навбахор Раҳмоноваларнинг дала шароитида тайёрлаган бир-бирдан мазали таомлари иштирокчилар ва ҳакамларга бирдек манзур бўлди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ФВВ ходими кичик сержант Адиба Умрзокованинг сузиш баҳсида кўрсатган юқори нағижаси алоҳида эътироф этилди.

Беллашувлар гоёт кизгин, мурасиз, шу билан бирга, самимий ҳамда дўстона руҳда кечди. Ҳарбий хотин-қизлар беллашув майдонида бир-бирларига рақиб бўлсалар-да, беллашувлардан ташқарида чинакам сафдош, опа-сингилдек ахил бўлиб, бир-бирларидан хизмат сирлари ва тажрибаларини ўргандилар.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хотин-қизлари жамоаси “Энг фаол вазирлик” номинацияси бўйича голиблик ва 10 миллион сўмлик сертификатни қўлга киритдилар.

Ўз навбатида, номинация голибларини чин дилдан муборакбод этиб, келгусидаги бу каби беллашувларда уларга бундан-да юқори натижаларни тилаган ҳолда, омад ва зафарлар ёр бўлсин, деб қоламиз.

Насиба ЗУРАПОВА,
ФВВ Матбуот хизмати ходими,
катта лейтенант.



ХАЛОСКОРЛАР “ЯНГИ НАФАС” СПОРТ ТАДБИРЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қайд этиш керакки, ФВВ тизими ҳарбий спортчилари Олимпия ва Осиё ўйинларида, китъа ҳамда жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғурур ва ифтихоримиз рамзи бўлган байрогимизни юксакларга кўтармоқдалар.

Мазкур марафонда ҳам вазирлигимиз тизими вакиллари жонажон Ваганимиз байрогини баланд кўтариб, белгиланган масофани босиб ўтишда бар-

ча имкониятларини сафарбар этиб, голиб бўлишни ўзларига мақсад қилдилар.

– Барча тенгдошларимиз катори биз ҳам доимий тарзда яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, спорт тадбирларида фаол катнашиб, голиб ва совриндорлар каторидан жой олиб келмоқдамиз, – дейди ФВВ Академияси 5-босқич курсанти Шерзод Каримов. – Бу каби байрамонга ташкил этилаётган спорт тадбирлари ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқиш ва ишти-

ёқини янада оширишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бундай спорт тадбирлари ёшларни она-Ватанимизга садоқатли бўлиш билан бирга, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик, бирдамликни тарғиб қилувчи тадбирлардан бўлишига шубҳа йўқ.

Албатта, бундай эзгу амалий ҳаракатлар, ҳаётбахш анъаналар юртимизда давом этаверади.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси
катта ўқитувчиси,
майор.

МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО

Маълумки, республикамиз бўйлаб жорий йилнинг 15 ноябрь кунидан 15 декабрь кунигача “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилиши белгиланган.

Мазкур ойлик доирасида соҳа вакиллари томонидан аҳоли яшаш хонадонларида, ижтимоий ва иқтисодий соҳа объектларида тарғибот-ташвиқот ишларини юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни тадбирлар доирасида барча объектларда, айниқса, кўп қаватли уйлар ва яққа тартибдаги уй-жойлар, бозор, йирик савдо мажмуалари ва аҳоли кўп тўпланадиган бошқа объектларда кенг қамровли профилактик-огоҳлантирув тадбирлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, маҳаллаларда «хонадонбай» тарғиботида ўтказилаётган профилактик тадбирларда аҳоли ўртасида ёнгинлар, ис газидан захарланиш, ҳаво-газ аралашмасининг чакнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилиб, эслатма ва буклетлар тарқатилмоқда.

Шунингдек, тунда одамлар қоладиган масканлар, жумладан, «Меҳрибонлик» уйлари, «Муруват» ва «Саховат» уйларида алоҳида эътибор қаратилиб, мунтазам равишда кўрик-

лар ўтказилаётир.

Табий ва техноген хусусиятли офатлар, ёнгинлар билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш нафақат соҳа мутахассислари, балки ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Шундай экан, ушбу ойликда фаол иштирок этиш, меҳнат жамоаларида кенг кўламадаги тарғибот ва назорат тадбирларини ташкиллаштириш масъул раҳбарлардан муҳим масъулият талаб қилади.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти ФВВ
бошлиғи, полковник.



Наманган шаҳри ҳудудида фуқароларга етарли шарт-шароит яратиш мақсадида, қурувчилар томонидан замонавий шаҳарсозлик норма-қоидалари асосида қуриб, фойдаланиш учун топширилаётган кўп қаватли турар жой бинолари, янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида ишлаб чиқариш объектлари барпо этилмоқда.

ЁНГИН ВА СУВ ТАЪМИНОТИ

Ушбу лойиҳалар доирасида эски коммуникация тизимлари, яъни ичимлик суви тармоқлари, канализация тизимлари янгиланиб, шаҳар марказидан четда бўлган маҳаллаларга ҳам ичимлик суви тармоқлари тортилмоқда. Олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида фавқулодда ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган ёнгин ҳодисаларида фойдаланиш учун ёнгинга қарши сув таъминоти ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг шу кунига

қадар, “Яккасада”, “Гулбоғ”, “А.Темур”, “Соҳил” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 46 та, Амир Темур маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудида янги қурилган 22-мактабда 2 та янги ёнгинга қарши ер ости сув олгичлари ва маҳалла ҳудудидаги 108 кв.м.ли бўлган ёнгинга қарши сув ҳовузи қайта таъмирланди.

Бу каби хайрли тадбирлар давом эттирилмоқда.

Паҳлавон ДАВЛАТОВ,
Наманган шаҳар ФВ бўлими
НТБ бошлиғи в.в.б.,
катта сержант.

ИЛЛАТГА ҚАРШИ

“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида Ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг ташкил этиш маркази ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари иштирокида “Коррупция – тараққиёт кушандаси” мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Унда шахсий таркиб ўрғатишда коррупция, кимор ўйинларини ўйнаш, ёлгон маълумотлар тарқатиш, ходимлар томонидан



йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда автомобилни бошқариш каби ҳолатларнинг олдини олиш, хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя қилиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир якунида шахсий таркибни қизиқтирган саволларга масъул ходимлар томонидан атрафлича жавоб берилди.

Мансур УМРЗОҚОВ,
Навоий вилояти ФВВ
шахсий хавфсизлик бўлими
бошлиғи, капитан.
Бекзод ҒАФУРОВ,
Навоий саноат майдони
ва жанубий кон бошқармаси
объектларида ЁХТТЭБ
бошлиғининг ўринбосари,
майор.

Чоршанба “Фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси” куни доирасида Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Тошкент Марказий вокзал” филиалининг чиптахона секторида йўловчилар ҳамда ишчи-ходимлар иштирокида фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишга оид профилактик тадбирлар ўтказилди.

МАСЪУЛЛАР ИШТИРОКИДА



Мазкур тадбирлар давомида 176 нафар йўловчи ҳамда ишчи-ходимлар иштирок этиб, фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан семинар ташкил этилди.

Семинарда мутахассислар томонидан мавзуга доир маълумотлар берилиб, иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Миркомил МИРКАРИМОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ бўлими бошлиғи, майор.

BUNYODKORLIK QIZG'IN

Xonqa tumanidagi “Yangi O‘zbekiston” massivida ayni paytda bunyodkorlik ishlari qizg'in pallada. Bu yerda 5 yil ichida 52 ta ko'p qavatli uylarni qurish ishlarini amalga oshirish belgilangan.

Dastlabki bosqichda 20 ga yaqin uyda bunyodkorlik ishlari olib borilmoqda va yil yakuniga qadar 268 xonadonning foydalanishga topshirilishi ko'zlangan.

Tuman FV bo'limi xodimlari olib borilayotgan ish jarayonlari bilan yaqindan tanishib, quruvchi-muhandislar bilan uchrashdilar.

Jarayonlar davomida ish sur'atining borishi va sifat darajasi alohida tanqid ostiga olinib, soha mutasaddilariga tegishli topshiriqlar berildi.

R.QADAMBOYEV, Xonqa tumani FV bo'limi xodimi.

САМАРАЛИ УСУЛ

Куз-қиш мавсумида фуқароларнинг электр ва газдан фойдаланишга бўлган талаби ортиб боради. Бу эса ўз навбатида барчамиздан юзага келиши мумкин бўлган фавкуллода вазиятлар ва ёнғинлар, ис газидан захарланиш ҳамда газ-ҳаво аралашмасининг чакнаши каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга оширишни талаб этади.



Шу муносабат билан Риштон тумани ФВ бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар ходимлари томонидан ҳудуддаги аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларида кенг камровли профилактик суҳбатлар олиб борилмоқда.

Бу каби тадбирлар фуқароларимизнинг фавкуллода вазиятларга оид билимларини оширишда асосий омиллардан бўлиб, бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиш хавфини камайтиради, албатта.

Исроил КЕНЖАБОЕВ,
Риштон тумани ФВ бўлими бошлиғи, майор.

ТАҲЛИЛ ВА ЁРДАМ

Фарғона вилояти ФВБ бошлиғи подполковник И.Қўчқоров бошчилигидаги тошқинга қарши вилоят комиссияси аъзолари иштирокида Сўх тумани Қалъача қишлоғидаги “Қалъача-2” сел йўлида ўрганиш олиб борилди.



Ўрганишлар давомида аҳоли билан суҳбатлар ташкил этилиб, тошқинга қарши тадбирларнинг бажарилиши юзасидан назорат кучайтирилди ва тегишли соҳа вакиллари аниқ вазифалар белгиланди.

Маълумот ўрнида: Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясининг 2022 йил 14 март кунидаги 2-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ гидрометеорологик ва геологик хавфли участкаларда истиқомат қилаётган доимий кўчирилиши лозим бўлган Фарғона туманида 10 та хўжалик доимий яшаш жойларига, Сўх туманида яшаётган 3 та хўжалик хавфсиз ҳудудларга вақтинчалик кўчирилган.

Ж.МАДАМИНОВ,
Фарғона вилояти ФВБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник.

САРҲИСОБ

Асака тумани ҳудудида жорий йилда жами 58 марта ёнғинлар содир бўлиб, офат натижасида 4 нафар фуқаро алангадан куйиб вафот этган, 1 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олган, 2 бош чорва моли нобуд бўлган. Ёнғинлар сабаблари ўрганилганда, ушбу ҳодисалар қасдан ўт қўйиш, технологик жараёнларнинг бузилиши, электр жиҳозлари, иситиш печлари, очик оловдан фойдаланиш, болалар шўхлиги ва транспорт воситаси билан боғлиқ ҳолатлар оқибатида юзага келганлиги маълум бўлди. Содир бўлган ёнғинлар натижасида жами 868.375.200 сўмдан ортик моддий зарар ҳисобланган.

Ҳисобот даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган жавобгар шахслар маъмурий жаримага тортилиб, айбдорлардан жарима ундирилишига эришилган. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиб, ёнғин келиб чиқиш хавфи остида қолдирилган 121 та бино ва иншоотдан фойдаланиш вақтинча тўхтатилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этгандан сўнг фаолиятни давом эттиришга руҳсат берилди. Масканларда жами 1116 та носоз электр мосламаси, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Ҳозирда бу каби профилактик тадбирлар давом эттирилмоқда.

Ф.ЯКУБОВ,
Асака тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗАЙЛИК!

Сергели туманидаги ижтимоий соҳа объектлари ва шахсий турар жойлар тадбиркорлик субъектларида фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича соҳа ходимлари томонидан суҳбатлар, профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Туманда шу йилнинг ўтган даври мобайнида 50 та ёнғин содир бўлиб, уларнинг асосий қисми аҳоли яшаш уйларида тўғри келади. Бу, ўз навбатида, аҳоли турар жойларида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, ҳудудларда ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини жадаллаштиришни тақозо қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш органларида, аҳоли кўп йиғиладиган масканларда тушунтириш ишлари олиб борилиб, бу борада назарий ва амалий тадбирлар, кўргазмалар, ўқув машғулоти ташкил қилинмоқда.

Н.УСМОНОВ,
Сергели тумани ФВ бўлими бошлиғи
ўринбосари, майор.

Чимбой туманидаги аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар, ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш жараёнида бир қанча кўнгилсиз ҳолатлар аниқланди.

ГУГУРТ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС!

Мисол учун: яқинда фойдаланишга топширилган мактаб ва болалар богчаси ёнғин хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермайди, ёнғинга қарши шитда зарур ускуналар етишмайди. Кўп қаватли уйлар ҳолати таҳлил этилганда хонадонларнинг аксариятида қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланилаётганлиги, электр симларини ўзбошимчалик билан улаб олганлик ҳолатлари аниқланди.

Яқинда бўлимига “Кенгес” овул фуқаролар йиғинида янгидан қурилаётган А.И.га тегишли яшаш хонадонида ёнғин бўлаётгани тўғрисида хабар келиб тушди. Ходимлар зудлик билан етиб бориб, тилсиз ёвни ўчиришга муваффақ бўлишди. Аниқланишича, уйда ёлғиз қолган ёш бола бекорчиликдан гугурт олиб ҳовлига ўт қўйган ва бунинг натижасида 120 м² майдон ёниб кетган.

Ёнғинлар билан боғлиқ яна бир нарсаси: ўтган мавсумда тартиб-қоидаларга риоя қилмаган 4 та хонадон эгаси, битта ишлаб чиқариш корхонаси ва иккита савдо шохобчасининг раҳбарлари огоҳлантирилган эди. Шу кунгача уларда ўзгаришлар бўлмагани учун амалдаги қонунлар доирасида судга оширилиб, жаримага тортилди.

Мана шундай кўнгилсизликлар қайта тақдорланмаслиги учун мавсум аввалида, тумандаги ҳар иккита маҳаллада, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида навбати билан ёнғинларнинг келиб чиқишига асосий сабаблар ва уларнинг олдини олиш юзасидан машғулот ва тадбирлар ўтказилмоқда.

Зафар АХМЕДОВ,
Чимбой тумани ФВ бўлими бошлиғи,
капитан.

УМР ЗАВОЛИ

Ёнғинларнинг асосий сабаби оддий, у ҳам бўлса, фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслиги, болаларни назоратсиз қолдириш, иситиш печлари, маншій газ баллонлари, электр ҳамда газ асбоб-ускуналаридан нотўғри фойдаланишдир.

2020 йил 30 январь куни Қарши шаҳар “И.Каримов” кўчаси 23А-уй олдида фуқаро Ф.С га тегишли “Lasetti” русумли автомобилда 2017 йилда туғилган ўғли М.Н қолдириб, автомобилни пулт ёрдамида кулфаб кетиши оқибатида воёга етмаган М.Н автомашина саломида гугурт ўйнаши оқибатида, автомашина ўнг олд ўриндиги тутаб, эриши натижасида ажралиб чиққан тутундан М.Н димикиб, вафот этган.

Масалан, Чироқчи тумани “Қумдарё” МФЙ “Оқтўнли” қишлоғида яшовчи фуқаро Ф.Қ. нинг яшаш уйидаги мавжуд қаттиқ ёқилғида ишловчи ўтин печини ёкиб, печ ёнидаги бешик устига қуритиш учун болалар кийимларини ёйганлиги ва уни назоратсиз қолдириши натижасида шу хонада ухлаб ётган 3 нафар фарзанди тутундан захарланиш натижасида ҳалок бўлган.

Бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Ушбу ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳозирда тумангаз участкаси, Ёнғинга қарши қурашиш жамияти ва туман фавкуллода вазиятлар бўлими ходимлари ҳамкорлигида уйма-уй юрилиб, хонадонларда ўрнатилган иситиш қурилмалари, газ плитаси ва мўриконлар ўрганилмоқда. Аниқланган носозликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

И.ДОНИЕВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ “Муборакнефтогаз”
МЧЖ ОБЕХТТЭБ инспектори, лейтенант.

QOIDALARGA AMAL QILING!

Markaziy isitish tarmoqlariga ulanishning iloji bo'lmagan hollarda qurilish maydonida isitilishi zarur bo'lgan muvaqqat bino va inshootlarni isitish uchun KMK 2.04.05-86 «Isitish, shamollatish va sovutish me'yorlari» talablariga javob bera oladigan, gaz yoki o'tinda ishlaydigan isitgich qurilmalaridan foydalanishga ruxsat etiladi.

Xonalarni isitish va kiyimlarni quritish uchun zarur bo'lganda, mahalliy yong'inni nazorat qilish xizmati xodimlarining ruxsati bilan metall pechlarni o'rnatish mumkin. Bunday hollarda quyidagi xavfsizlik talablarini bajarish lozim:

metall pechlarni 40 sm.dan kam bo'lmagan temir oyoqlarda yoki shu balandlikda loy qorishmada pishiq g'isht bilan terilgan supachada o'rnatilgan bo'lishi shart; pechlar ostidagi yonuvchi pollarni radiusi 1 metrdan kam bo'lmagan aylana (yoki kvadrat) sirtini loy qorishmada, yotqizib

terilgan g'isht bilan yoki 12 mm. asbest fanera ustidan metall tunuka bilan qoplangan holda muhofizalangan bo'lishi shart;

metall pechkalar yonishdan himoyalangan sinchli devorlardan 1m va suvoq bilan himoyalangan qurilmalardan esa 0,7 m. dan kam bo'lmagan masofada o'rnatiladi;

pechkaning o'txonasi eshigi oldida 0,7x0,7 m. o'lchamda metall tunukadan qoplama mustahkam o'rnatilgan bo'lishi kerak;

xonaning shiftidan teshib o'tkazilgan, himoya qobig'isiz bo'lgan tutun uzatuvchi (mo'rikon) metall quvurlar yonuvchi har qanday qurilmalardan 0,7 m.dan kam bo'lmagan masofada, o'tda yonmaydigan ashyolar bilan atrofi muhofazalangan bo'li-

shi shart.

Bino va inshootlarni quritishda infraqizil nurlanuvchi gorelkalarni ishlatish boshqa usullarga nisbatan ancha xavfsizroq hisoblanadi. Ammo undagi sopoldan qilingan dastaklari 800oS gacha qizishi oqibatida unga yaqin turgan yonuvchi ashyolar alanganishi mumkin. Shu boisdan bunday gorelkalarni ishlatishda xavfsizlik qoidasiga binoan ularni yonuvchi ashyolar va qurilmalardan kamida 1 m va undan uzoqroq masofada o'rnatish lozim.

Shuhrat SAMIGOV,
Tashkent shahar FVB O'zMETRK
YoXTEB mutaxassisi, oddiy askar.

USTUVOR TALABLAR

Yong'in xavfsizligi bo'yicha tadbirlar qurilishni tashkil-lashtirish (QTQ) va ishni bajarish (IBL) loyihalarida ish-lab chiqiladi va ular yong'inning oldini olish va o'chirishni ta'minlashga qaratilgan bo'ladi.

Qurilish maydonining mutasaddi rahbarlari (uchastka boshlig'i, prorab, usta) yong'in xavfsizligi bo'yicha mas'ul hisoblanishadi va quyidagi talablarni bajarishlari shartdir:

QTQ va IBL loyihalarida aks ettirilgan yong'inga qarshi tadbirlarni va ularga xos yong'in xavfsizligi qoidalari talablarini bilishlari hamda barcha ishchi va xizmatchilar tomonidan ularni to'liq va so'zsiz bajarilishini ta'minlashlari va nazorat qilish;

me'yoriy hujjatlarda ko'rsatilgan o't o'chirish vositalari bilan ta'minlash va ularni hammavaqt ishlatishga tayyor holda saqlanishini ta'minlash;

qurilayotgan bino va yordamchi ijtimoiy va omborxonalarni yong'in xavfsizligi holatini doimiy nazorat qilib turish;

elektr va issiqlik tarmoqlarini qarovsiz qolmasligini ta'minlash;

qurilish maydonida o't o'chirish uchun zarur bo'lgan suv ta'minoti manbalarini aniqlamasdan va o't o'chiruvchi moshinalarni to'siqsiz harakatlanishini ta'minlay oladigan yo'llarni hamda telefon-aloqa tarmoqlarini qurmasdan turib qurilish ishlari boshlamaslikni ta'minlash va h.k.

Tushuntirish jarayonida ishchi va xizmatchilarni yong'in xavfsizligi me'yorlari hamda qurilish maydoniga xos yong'inga qarshi tartib va qoidalar bilan batafsil tanishtirish shart.

Jahongir EGAMOV,
Davlat boshqaruvi akademiyasi
binosida YoXTEB mutaxassisi,
katta serjant.

Фарғона вилояти ФВБ Бағдоғ тумани ФВ бўлими томонидан тумандаги кўп қаватли турар жойларда, давлат мактабгача таълим ташкилотлари, қурилиш объектларида, аҳоли гавжум савдо мажмуаларида ишчи-ходимлар ва истеъмолчилар иштирокида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

МАВСУМ ТАВСИЯЛАРИ

Ушбу тадбирлар давомида фуқароларга газ ва электр иситиш мосламалари ҳамда кўмирдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, уй шароитида тайёрланган, сифат кафолатига эга бўлмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилмаслик юзасидан тавсиялар бериб ўтилмоқда.



Бу каби тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида мунтазам равишда олиб борилаёпти.

Анвар НАБИЕВ,
Бағдоғ тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари, майор.
А.АЛИЖОНОВ,
Фарғона вилояти ФВБ ОАВ ва
ЖТБХҚГ бошлиғи, катта лейтенант.

YONG'IN XAVFSIZLIGI OYLIGI

Dehqonobod tumani hokimligining majlislar zalida "Yong'in xavfsizligi oyligi"ga bag'ishlab Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bartaraf etish tuman komissiyasining navbatdagi yig'ilishi bo'lib o'tdi.

Yig'ilishda tuman FVDT xizmatlari tarkibiga kiruvchi davlat va jamoat tashkilotlari, korxonalar va idoralar, davolanish va ta'lim muassasalari rahbarlari va MFY raislari ishtirok etdi.

Yig'ilishda Yong'in xavfsizligi oyligini o'tkazishda faol ishtirok etish, keng qamrovli profilaktik tadbirlar, targ'ibot-tashviqot ishlari, uchrashuv va davra suhbatlari, ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqla-

rini yuqori saviyada o'tkazishni tashkil etish yuzasidan vazifalar belgilandi.

Oylik davomida tabiiy gaz va qattiq ko'mir mahsulotlaridan foydalanishda xavfsizlik qoidalari rioya etish bo'yicha qat'iy tartibda chora-tadbirlar ko'rilishi bo'yicha tushuntirish va ko'rsatmalar berildi.

O'tkirbek YULDASHEV,
Dehqonobod tumani FV bo'limi
bo'linma boshlig'i, kapitan.

Фарғона вилояти шаҳар ва туманлари ҳудудларидаги дехкон ва буюм бозорларида уй шароитида тайёрланган, сифат сертификати эга бўлмаган, тез айнувчи озик-овқат маҳсулотлари, ностандарт қўлбола электр ва газ иситиш воситалари сотилишининг олдини олиш юзасидан назорат-рейд тадбирлари ўтказилди.

УЧКЎПРИКДА РЕЙД



массивида бўлди. Туман ФВ бўлими томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллада жойлашган 12 та кўп қаватли уйдаги 312 та хонадонда 1245 нафар фуқаро билан куз-киш мавсумида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар, ёнгинлар, ис газидан захарланиш, газ-ҳаво аралашмасининг чакнаши ҳамда ботулизм касаллигининг олдини олиш бўйича кенг камровли профилактика ишлари олиб борилди.

Тадбирлар давомида тузлама маҳсулотларини аҳоли учун сотаётган тадбиркорларнинг фаолияти ўрганилганда, маҳсулотларнинг усти ёпилмаганлиги, бозор ветеринария масъул ходимлари томонидан лабораториядан ўтганлиги ҳамда истеъмолга яроқлилиги бўйича маълумотномалари мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунингдек, бозор ҳудудида фаолият олиб бораётган гўшт савдо дўконларининг тозаллиги талаб даражасида эмаслиги аён бўлди.

Навбатдаги манзил тумanning "Боги-бўстон" маҳалласи Мулла Зоир

Куннинг иккинчи ярмида тумандаги умумтаълим мактаблари директор ўринбосарлари иштирокида йиғилиш ташкил этилиб, унда мутахассислар томонидан муҳим масалалар ўртага ташланди.

Сўнг барча таълим масканларида куз-киш мавсумида бажарилиши лозим бўлган талаблар тадбир иштирокчиларига тўлиқ тушунтириб берилди.

Зафар МУЗАФАРОВ,
Учкўприк тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари, майор.

ОЙЛИК ДОИРАСИДА

Жорий йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрга қадар мамлакатимиз ҳудудларида "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилиши белгиланган. Шу муносабат билан Нурафшон шаҳар ФВ бўлими ходимлари томонидан "Эвалак" МФЙ аҳолиси ҳамда 25-умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашув ўтказилди.

Тадбирда асосий эътибор ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ҳамда ис газидан захарланиш каби қўнғилсиз ҳолатларнинг олдини олишга қаратилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти ФВБнинг "Тарғибот автобуси"даги ёнгин ўчириш асбоб-анжомлари, ҳимоя кийим-бошлари ва мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди.

3.ТУРАПОВ,
Нурафшон шаҳар ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари,
капитан.



ДИҚҚАТ, ОБУНА!

Хурматли муштарийлар!
2023 йил учун «Вазият» газетасига
хамда «Муҳофаза+»
журналига обуна бошланди.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун:
«Вазият» газетаси — 382 «Муҳофаза+» — 1066

ФВВ Бирлашган тахририяти



ЁШ КИТОБХОН

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 264-умумтаълим мактабидан «Ёш китобхон» танлови бўлиб ўтди. Унда ёш китобсеварлар ўзаро беллашдилар. Иштирокчилар танлов жараёнида ўзлари ўқиган бадний асарлар, уларнинг мавзу ва гоёвий кўлами ҳусусида мутахассислар билан суҳбат қилиб, асар мазмун-моҳияти юзасидан таҳлилий саволларга жавоб бердилар.

Ушбу танлов ўқувчилар ичида китоб мутолаасига кизикқан ва ижодкор ўқувчиларни яна бир қарра кашф этди, десак муболага бўлмайди.

Тадбир голиблари ўз навбатида, туман микёсида ўтказиладиган танловларга тавсия этилади ва барчамиз уларга навбатдаги беллашувларда омад тилаб қоламиз.

Шахноза РАХИМОВА,
мактаб кутубхоначиси.



ОТА-ОНАМ СОҒИНДИМ

Ўн саккизга кирганда ёшим,
Улуғ мақсад бўлди йўлдошим.
Хабар келди: калкон бўлгин деб,
Юртга содик ўғлон бўлгин деб...
Армияда ўтмоқда ҳаёт,
Кўлда қурол, юракда – ижод.
Соғиндим мен сизни отажон,
Меҳрибоним, мунис онажон...
Қадрингизни билишман бунда,
Ёдимдасиз кундузу тунда.
Ишончингиз оклашман мен,
Юртга хизмат қилашман мен.
Мендан олманг асло хавотир,
Ҳар синовга этгумдир сабр.
Бурчим адо айлаганим он,
Қошингизга етурман шодон.
Мени доим айлайсиз дуо,
Бахтимга соғ бўлинг доимо...

Абдухамид БОЛТАБОЕВ,
ФВВ ММКБ муддатли
ҳарбий хизматчиси, оддий аскар.



MURABBIYLAR – TABARRUK

Bilasizmi, bolalar,
Ustozlar – aziz inson.
Bizlarga ilm-u odob,
Berarlarni tinmay har on...

Biz – nihol, ular – quyosh...
Nur-ziyosi tabarruk.
Shogirdlarning qalbida
Yasharlarni bo'lib suyak.

Aytgan barcha so'zlari,
Bebaho dur, pand erur.
Mazmunli saboqlari
Go'yo shakar-qand erur...

Kumushxon NE'MATJONOVA,
Sergeli tumanidagi 264-umumta'lim
maktabining 5-"B"-sinf o'quvchisi



TA'ZIM

Ey, ustozlar, tashakkur sizga!
Bizga ta'lim berganingizga.
Kecha-kunduz shogirdim deya,
Zahmat chekib yurganingizga...

Ta'rifingiz bitayin desam,
Tilim loldir, o'jzidir so'zim.
Barchasidan oldin, avvalo,
Poyingizga eturman ta'zim!

Baxtimizga bo'lingiz omon,
Dard chekmasin aslo joningiz.
Qo'limda gul... Qutlayman dildan,
Har bir lahza – bayram oningiz...

Mohira LATIPOVA,
Sergeli tumanidagi 264-umumta'lim
maktabining 5-"B"-sinf o'quvchisi.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б. ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкилотлар учун – 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6130 нусха